



## Кун нафаси

«Солиқ маслаҳатиға оид фаолият тўғрисида»ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг «Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Президентимиз жорий йилнинг 4 августда «Кўп квартираларни бошқариш тизimini янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.



2022 йилнинг 4-5 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси томонидан Циндао шаҳрида Шаньдун провинциясининг бизнес доиралари вакиллари иштирокида мамлакатимиз савдо-иқтисодий ва сармоявий имкониятлари тақдироти уюштирилди.

Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси кўмағида Қашқадарё вилояти ҳоқими ўринбосари Ўткир Қодиров бошчилигидаги делегация аъзоларининг Doppelmauer Австрия компанияси МДХ ва Марказий Осиё минтақалари бўйича директори Валерий Яшин билан онлайн учрашуви ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги истроҳат боғида 6-7 август кунлари «Янгимаркет» хунармандлар, расомлар, гастро-ҳаваскорлар ва музикачиларнинг иккинчи фестивали ташкил этилди.



Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси «Корея – Ўзбекистон» парламентарларо дўстлик ассоциациясини раиси Пак Кванг Он бошчилигидаги делегация аъзолари Самарқандга ташриф буюришди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов Хоразмда бўлиб, Гурлан туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилди.



Адлия соҳасидаги муассасаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг касбий билим ва малакасини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фаол, етакчи ходимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган «Адлия аёли» кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

# Ishonch

Юрти таракқиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил  
6 август  
шанба  
№ 95  
(4691)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

## «ISHONCH» саволи

## Молия вазирлиги ҳамда Марказий банкка!



# БУ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ ЭМАСМИ?

Касбимиз тақозоси сабаб меҳнаткашлар мувожаатлари билан ҳам ишлаймиз. Аммо баъзан улар томонидан билдирилётган баъзи саволларга жавоб топишга қийналиб қоляимиз. Айниқса, банк тизими билан боғлиқ жавобсиз саволлар кўп. Меҳнаткашлар нафақат уй-жой, автотранспорт воситаси учун, балки энг оддий турдаги қарз кўтариши, қарздорга кафилик масаласида ҳам муаммоларга дуч келишадиганни билдиришмоқда.

Айрим банкларимиз томонидан маълум ёшдаги фуқаролар учун турли тўсиқлар ўйлаб топилган. Жумладан, 60 ёшдан ошса-да, ҳозир расмий меҳнат фаолияти билан банд бўлган, ойлик маош олаётган ва солиқ тўлаётган ходимларнинг ойлик маошларини тақдим этган ҳолда қарз олиш, қарздорга кафил бўлиш истаклари рад этилмоқда.

Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир, дейилади. Шунингдек, 16-моддада бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас, дея қайд этилган. Аммо тижорат банклари томонидан юртилаётган кредит сўёсати 60 ёшдан ошган фаол фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўймаётими?

Ғолибжон РУСТАМОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

### Фарғона вилояти

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Фарғона вилояти ҳоқимлиги ташаббуси билан «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичи доирасида рўйхатга олинган қорақалпоғистонлик 100 нафар хотин-қиз сўлим вилоятга таклиф этилди.

## ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР АЪЛО ДАРАЖАДА

«Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичи доирасида рўйхатга олинган қорақалпоғистонлик 100 нафар хотин-қиз Фарғон вилоятида соғлиғини мустаҳкамламоқда

Оролбўйи аёллари Марғилон темирйўл вокзалида тантанали кутиб олиниб, Фарғона туманининг мафтункор гўшасидаги «Чимён» пансионатида жойлаштирилди. Энди улар 12 кун давомида ушбу баҳаво масканда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Саломатлик масканида дам олувчилар учун 2, 3, 4 кишилик хоналар

ҳозирланиб, улар мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Асосийси, муолажалар учун сўхатгоҳнинг юқори малакали мутахассислари жалб этилган.

– Очигини айтсам, 60 ёшга кирган бўлсам-да, бирор марта сўхатгоҳга бормаган эдим, – дейди бўзатовлик Гулнора Юсупова. – Бу не саодатки, Президентимизнинг биз аёлларга кўр-

сатаётган ғамхўрлиги сабаб мана шундай гўшада саломатлигимизни мустаҳкамлаёмиз. Бизга кўрсатилаётган эътибор ва эъзоздан беҳад мамнунимиз.

– Яратилган шароитлар аъло даражада, – дейди Нурсулв Тўлаваева. – Муолажалар турфайли кундан-кунга тетик бўлиб бораёпмиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси

билан хотин-қизларга кўрсатилаётган бу каби эътибор ва ғамхўрлик инсон қадри улуғланаётган юртимизда мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллик байрами олдидан «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғоянинг яна бир ёрқин ифодасига айланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»

### Ташаббус



### «Тошшаҳартрансизмат» АЖ диққатига!



### АТТО «КАСАЛ»МИ?

Тошкент шаҳридаги айрим автобусларда АТТО ишламаяпти.

АТТОнинг афзалликлари ҳақида бонг урганлар нега жим? Ҳойнаҳой, АТТОлар бектоб. 22-автобус йўналишидаги АТТОни яхшилаб ўраб, чирмаб қўйишибди.

«Касал» АТТОлар қачон тузалади?

Хонбиби  
ҲИММАТ ҚИЗИ



### Тошкент вилояти

### Ёзги соғломлаштириш

## «Гулзор»да завқли ёз

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Биз бир элмиз, бир халқимиз, Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!» шиори остида қорақалпоғистонлик болажонларни республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда дам олдиришга йўналтирилган ижтимоий лойиҳа давом этмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Гулзор» болажон соғломлаштириш оромгоҳига ҳам 308 нафар болажон дам олиш учун ташриф буюрди. Улар Тошкентдаги вокзалда тантанали кутиб олиниб, оромгоҳга кузатиб қўйилди. «Олмалиқ кон-металлур-

гия комбинати» АЖга қарашли «Гулзор» оромгоҳида (Мўינוқ туманидан 150 нафар, Нукус шаҳридан 158 нафар) меҳмонлар юқори кайфиятда кутиб олинди.

Оромгоҳда болажонлар мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун маданий тадбирлар, тўғраклар, спорт майдончалари, тиббиёт пункти, кутубхона каби ҳордиқ масканлари санитария-гиена талабларига мос равишда тайёр ҳолга келтирилган.

Дам олиш жараёнида маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўт-

казиш, қорақалпоқ ва ўзбек тилларидаги бадий, илмий оммабоп фильмлар намойиш этиш режалаштирилган.

Болажонлардан кайфияти ва таассуротлари ҳақида сўраганимизда, уларнинг кўзлари қувончдан порлаб, «Биз янги-янги дўстлар орттириб, мароқли дам олаётганимиздан хурсандимиз», деб жавоб беришди.

Шоира ОХУНЖОНОВА,

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Тошкент вилояти

Анжуман

# Аграр тармоқда меҳнат шароитлари қандай?

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси томонидан «Муносиб меҳнат шароитини яратиш – иш берувчининг бурчи» мавзусида ўтказилаётган туркум анжуманларнинг навбатдагиси Тошкент вилоятида ташкил этилди.**



Тизимида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи 315 та корхона ва ташкилотнинг 22 800 нафар ишчи-ходими Жамоа шартномалари орқали 5 миллиард 800 миллион 600 минг сўмлик, махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланган. Шунингдек, агросаноат мажмуи тизимидаги 690 та ташкилотда 5 990 та иш ўрни меҳнат шароитлари бўйича белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказилган. Чунинчи, тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг 3 909 нафари сут маҳсулотларини бепул олиш, 133 нафари имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ва 6 443 нафари қўшимча меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Касб касалликлари профилактикасининг энг самарали йўналишларидан бири, бу ишчи-ходимларни профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш ҳисобланади. Худди шу мақсадларда, яъни тармоқ ташкилотларидаги ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган, пенсия ёшига тулган шахсларни тиббий кўриклардан ўрнатилган муддатларда ўтказиш мақсадида ҳисобот даврида 390 та корхонада меҳнат қилаётган 22 320 нафар ходим тиббий-кўриқдан ўтказилди. Бу учун сарфланган маблағ миқдори 3 млрд. 900 минг сўмни ташкил этди.

Яна бир эътиборли жиҳат – охириги йилларда захарли кимёвий воситалардан суррункали заҳарланишнинг бирламчи тасдиқлини сезиларли даражада камайган.

Касаба уюшма фаоллари, меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари томонидан ходимларнинг тиббий кўриклардан белгиланган муддатларда ўтказилишида иш берувчиларга тегишли талаблар билан мурожаат қилишлари жуда муҳимдир. Касаба уюшмалари бундай ҳолатлар юзасидан корхоналарнинг юқори ташкилотларига ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тегишли тартибда мурожаат қилиб, ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Тадбирда соҳа вакиллари ўз ташкилотларидаги меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими ҳолати хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Унда уч томонлама ижтимоий шериклар – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иш берувчилар Конфедерацияси мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари қатнашди.

Тадбирда Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар, касаба уюшмаларининг мазкур йўналишдаги саяё-ҳаракатларига баътафсил тўхтади.

Таъкидланганидек, беш миллиондан зиёд аъзоларни ўзида бirlаштирган Касаба уюшмалари Федерациясига аъзо Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг 5 592 та ташкилотиди 1 миллион 878 минг 885 нафар киши меҳнат қилади. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 18 та вазирлик, идора ва компаниялар билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга оид тармоқ келишувларини имзолаган. Тизимдаги ташкилот ва муассасаларнинг барчасида жамоа шартномалари мавжуд.

– Барчамизга маълумки, корхона ва ташкилотларда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак, – деди Бахтиёр Маҳмадалиев. – Бу иш берувчи-

нинг мажбуриятига кириши меҳнатга оид қонун ҳужжатларида ҳам кўзда тутилган. Соҳада меҳнат муҳофазасини йўлга қўйиш мақсадида эса йигирмага яқин нормативлар қабул қилинган. Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда ажратиши ҳамда ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмасликлари зарур.

Шундай бўлса-да, айрим бюджет ва хўжалик ҳисобидидаги ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун етарли миқдорда маблағлар сарфланмаётган ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Шу боис ҳам Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошланғич ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш жараёнида иш берувчиларга бу борада қонун талабларини аниқлаштириб, тақдимномалар киритмоқда.

Тахлил натижаларига кўра, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида ходимларнинг меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича жорий йилга 172 990 та чора-тадбирлар режалаштирилган бўлиб, бунинг учун ажратилган маблағ 32 миллиард 722 миллион 880 сўмни ташкил этган.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида қишлоқ хўжалиги



Қашқадарё вилояти

**Миришкор туманида хотин-қизларнинг аксарияти момомерос гиламчилик, каштачилик, қуроқчилик ҳунарларини яхши ўзлаштирган.**

Бу йил «Аввона» маҳалла фуқаролар йиғинида «Аввона моҳир асл тикувчилари» ишлаб чиқариш кооперациясининг очилиши эса ана ўша кўли гул аёлларимиз учун айни мuddао бўлди. «Аёллар дафтари»да қайд этилган Мехригул Расулова, Гулнора Ҳожиева, Замира Оймаҳмудова, Шаҳодат Ёмирова, Муаттар Қодирова каби 20 нафарга яқин хотин-қиз бугунги кунда мазкур кооперацияда меҳнат қилмоқда.

Кооперация учун ҳудуддаги ташландиқ бинони таъмирлаб, фойдаланишга топширишга сармоя ажратилди. Шунинг баробарида бир гуруҳ аввоналиклар «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» шарофати билан касб-хунарга бепул ўқитилди. Эҳтижмандларига давлат томонидан тикув машиналари берилди. Эзгу ташаббус ва эътибордан руҳланган чеварлар бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишга киришдилар. Қарабсизки, ўқув марказида олинган билимлар амалиёт билан ўйланашди. Тажрибали аёллар ва ёшлар ўртасида «Устоз – шогирд»лик альянслари асос солинди.

«Бугунги ният – эртанги ҳақиқат» деганларидек, кўп ўтмай кооперация ишлари юришиб кетди. Ҳозир аввоналиклар тиккан харидоригир қуроқи ва кашталар, хотин-қизлар либослари анча доврүк қозонган. Шу боис уларга буюртмалар кун сайин кўпайиб бормоқда.

Тумандаги «Гулбод» маҳалласида «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида рўйхатга олинган 44 нафар аёлнинг муаммоларини ҳам бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, боқувчисини йўқотган, икки фарзанди бор Момогул Бобоназарованинг уйи таъмирлаб берилди.

Кўп болали Роҳила Апарованинг томорқаси кенгина бўлса-да, сув танқислиги туфайли деҳқончилик қиллолмаётган. Унинг ҳовлисига субсидия асосида сув насоси ўрнатилди. Натижада томорқадан унумли фойдаланиш ва рўзғорнинг кам-кўстини тўлдириш имкони туғилди.

Зоя Халиқованинг эри ногирон, икки фарзанди ҳали жуда ёш. Ишчи гуруҳ аъзолари аралашуви билан у ўзи яшайдиган маҳалладаги ўрта мактабга фаррош сифатида ишга жойлашди. Боқувчисини йўқотгани туфайли бугунги кунда ота-онаси қарамоғида яшаётган Гуласал Ризева тумандаги пахтачилик кластери ходимига айланди. Ногирон фарзанди тарбияси билан машғул Ҳилола Басировага эса 1,8 миллион сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилди. Бундай кўмак олганлар маҳаллада 6 нафар кишини ташкил этади.

«Балуж» маҳалласида «Аёллар дафтари»га учинчи босқичда 48 нафар хотин-қиз киритилди. Ҳикоят Шомуродова шулардан бири. У турмуш ўртоғи, ўғли, келини ва набираси билан бир ҳовлида яшайди. Аммо оила аъзоларининг ҳаммаси ишсиз. Бу ҳолда кун кечириш эса мушаналарига асос солинди.

«Бугунги ният – эртанги ҳақиқат» деганларидек, кўп ўтмай кооперация ишлари юришиб кетди. Ҳозир аввоналиклар тиккан харидоригир қуроқи ва кашталар, хотин-қизлар либослари анча доврүк қозонган. Шу боис уларга буюртмалар кун сайин кўпайиб бормоқда.



# БУГУНГИ НИЯТ – ЭРТАНГИ ҲАҚИҚАТ

**Буни опа-сингилларнинг юз-кўзларида барқ ураётган ишонч жилваларида ҳам кўриш мумкин**

лар дафтари»га учинчи босқичда 48 нафар хотин-қиз киритилди. Ҳикоят Шомуродова шулардан бири. У турмуш ўртоғи, ўғли, келини ва набираси билан бир ҳовлида яшайди. Аммо оила аъзоларининг ҳаммаси ишсиз. Бу ҳолда кун кечириш эса мушаналарига асос солинди.

«Бугунги ният – эртанги ҳақиқат» деганларидек, кўп ўтмай кооперация ишлари юришиб кетди. Ҳозир аввоналиклар тиккан харидоригир қуроқи ва кашталар, хотин-қизлар либослари анча доврүк қозонган. Шу боис уларга буюртмалар кун сайин кўпайиб бормоқда.

Тумандаги «Гулбод» маҳалласида «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида рўйхатга олинган 44 нафар аёлнинг муаммоларини ҳам бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, боқувчисини йўқотган, икки фарзанди бор Момогул Бобоназарованинг уйи таъмирлаб берилди.

Кўп болали Роҳила Апарованинг томорқаси кенгина бўлса-да, сув танқислиги туфайли деҳқончилик қиллолмаётган. Унинг ҳовлисига субсидия асосида сув насоси ўрнатилди. Натижада томорқадан унумли фойдаланиш ва рўзғорнинг кам-кўстини тўлдириш имкони туғилди.

Зоя Халиқованинг эри ногирон, икки фарзанди ҳали жуда ёш. Ишчи гуруҳ аъзолари аралашуви билан у ўзи яшайдиган маҳалладаги ўрта мактабга фаррош сифатида ишга жойлашди. Боқувчисини йўқотгани туфайли бугунги кунда ота-онаси қарамоғида яшаётган Гуласал Ризева тумандаги пахтачилик кластери ходимига айланди. Ногирон фарзанди тарбияси билан машғул Ҳилола Басировага эса 1,8 миллион сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилди. Бундай кўмак олганлар маҳаллада 6 нафар кишини ташкил этади.

«Балуж» маҳалласида «Аёллар дафтари»га учинчи босқичда 48 нафар хотин-қиз киритилди. Ҳикоят Шомуродова шулардан бири. У турмуш ўртоғи, ўғли, келини ва набираси билан бир ҳовлида яшайди. Аммо оила аъзоларининг ҳаммаси ишсиз. Бу ҳолда кун кечириш эса мушаналарига асос солинди.

борди. Оқибатда оиладаги ишсизлар сони етти нафарга етди. Ишчи гуруҳ аъзолари аёл дардини тинглади. Қурилган чора-тадбирлар натижасида унинг ва яқинларининг бандлигини таъминлаш учун 10 йил мuddага 40 сотих ер ажратилди. Миришкорлик миришкорлар фурсатни бой бермай, дарҳол ишга киришдилар. Бугун уларнинг кайфиятлари чоғ, чунки даладаги экинлари барваж.

Саккиз фарзанднинг онаси Тамара Шомуродова қизларини узатган бўлса-да, ўғиллари иш тополмаётганидан кўп сиқиларди. Унинг оилавий аҳволи ўрганилиб, эски шийпон атрофидан ер берилди. Бугун бу майдонга келган кишининг кўнгли ободилган учун жой керак. Шунга кўра, уларга туман ҳокимлиги томонидан ер ажратилди. Бу оилада паррандачилик йўлга қўйилгани шарофати билан қўшнилардан уч нафари ишли бўлди.

Лайло Шомуродованинг тўрт нафар фарзанди камолдан қувониб, дили олам-олам орзуларга тўлаётган пайтда бошига армони бир умр унутилмас мусибат тушди – турмуш ўртоғидан ажраб қолди. Ана шундай оғир дамларда Лайло «Аёллар дафтари»га киритилди. Сўнгра деҳқончилик қилиши учун 40 сотих ер берилди. Унинг зурриётлари ҳамкорлигидаги меҳнат билан зое кетмади. Айни пишиқчилик даврида она-болалар етиштирган сархил сабзавотлар бозорининг олди бўляпти.

– Шу зайл ҳаётга ишончим қайта уйғонди, – дейди Лайло дилидагини тилига чиқариб. – Яна фарзандларимнинг келажаги ҳақида ширин орзулар қила боладим. Насиб этса, тўнғич ўғлимни тиббиёт соҳасида ўқитиб, шифокор қилмоқчиман...

Шаҳрибону Ибодуллаеванинг турмуши бузилиб, бир фарзанди билан отаси уйига қайтиб

**Акмал АБДИЕВ,**  
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Форум

**Самарқанддаги қатор олий таълим муассасаларида «Худуднинг 100 нафар ихтирочи аёли» ҳафталиги доирасидаги форум бўлиб ўтди. Унда олима, тадбиркор, ишбилармон, олий таълим муассасалари докторант ва магистрлари фаол иштирок этишди.**

# Самарқандлик ихтирочи аёллар

– Вилоятдаги мавжуд олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг 1269 нафарини аёллар ташкил этади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. – Ўртимиз бўйлаб уюштирилган тадбир олима аёллар изланишларида катта бурилишлар ясашига шубҳа йўқ.

Форум доирасида ихтирочи аёлларнинг тадқиқотлари билан янада яқинроқ танишиш, илмий лойиҳалари мавжуд бўлган аёл-

ларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Илму урфон оламида самарқандлик олима аёллар ҳам муносиб ўрин тутиб келишмоқда. Биргина ўтган йили Самарқанд давлат тиббиёт олий-гоҳида фаолият кўрсатаётган 24 нафар, Самарқанд давлат чет тиллари институтидан 8 нафар хотин-қиз PhD бўйича диссертация ёқлаган.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«ISHONCH»



# Ишбилармон хотин-қизлар малака оширдилар

**«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг республика бўйича 70 нафарга яқин минтақавий етакчилари ишбилармонлик ва бошқарувчанлик малакаларини ошириб, лидерлик хусусиятларини кучайтиришди.**



Лойиҳа АҚШ элчихонасининг Кичик грантлар дастури ҳамкорлигида амалга оширилди. Шу асно Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида пешқадам аёллар учун беш кунлик минтақавий ўқув-семинарлар уюштирилди. Дастлаб Андижонда водий вилоятлари, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги фаолият юритаятган ассоциация худудий бўлимлари раҳбарлари йиғилишди. Натижада 20 нафардан зиёд аёл бизнес соҳасидаги билими ва касбий маҳоратини ошириб, етакчилик креатив фазилатларини ривожлантириш учун зарур сабоқлар олишди.

Бухорода бўлиб ўтган тренинг ҳам худудий ташкилотлар етакчилари салоҳиятини оширишга ўзига хос минбарга айланди. Унда Қорақалпоғистон, Навоий, Хоразм, Бухородан келган 24 нафар вакил қатнашди. Халқаро мавқега эга ассоциациянинг кучли тренерлари уларни ҳақиқий етакчилик фазилатлари соҳиб бўлиш имконини берувчи инновацион

Ўқув-семинарлар

тақдимотлар билан таништиришди. – Олган билимларимизни худудимиздаги хотин-қизларга ўргатамиз, – дейди Қорақалпоғистондаги «Массажет Нукус тур» МЧЖ раҳбари Дилфуза Жиевбекова. – Бу тадбиркор аёллар сафи кенгайишига хизмат қилади, айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни мақсад қилганлар учун фойдали бўлади.

Лидер раҳбар аёллар иқтисодий имкониятларининг инновацион ечимларига бағишланган навбатдаги тренинг Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилояти тадбиркорлари, худудий бўлимлар раҳбарлари беш кун мобайнида маҳорат дарсларида иштирок этидилар.

Тренинглар давомида тадбиркорлик бўйича катта амалий тажрибага эга ишбилармон аёлларимиз замонавий ҳуқуқшунослик бўйича кенг маълумотларга эга бўлишди, инновацион стартап фоялари билан танишиб, етакчи молиявий экспертлардан маслаҳатлар олишди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**  
«ISHONCH»





# МУАССИСЛАР ВА «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»: УЛАР БИР-БИРИГА КЕРАКМИ?

Мамлакатимиз миқёсидаги нашр саналган «Қишлоқ ҳаёти» ижтимоий-иқтисодий газетасининг нашр этиб келинаётганига 50 йилга яқинлашяпти. Муассислар деган жойида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар» дея қайд этилган. Уларнинг умумий сони 22 та. (Тўғри, ўзгаришлар ҳисобига бир-иккита фарқли ҳозир).

## «Қишлоқ ҳаёти» газетаси муассислари

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон Агроекология мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
«Ўзбекистон қўқоққатқолдинг» холдинг компанияси
«Давергеодезкадастр» кўмитаси
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
«Ўзагролизинг» АЖ
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
«Ўздонмаҳсулот» АЖ

«Ўзғамойсоноат» уюшмаси
«Агробанк» АТБ
«Халқ банки» АТБ
«Ўзагросуртга» АЖ
«Ўзтўқимчиликсоноат» уюшмаси
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги
Гидрометеорология хизмати маркази
«Ўзкимёсоноат» АЖ
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси
«Ўзагросервис» АЖ

Ана, сизга нашрнинг омади, деяётгандирсиз? Халқимиздаги бир мақол айнан шу нашрга тегишли. Яъни «Бир чўқимдан берса, тўйдирди, бир муштан урса, ўлдирди», деган. Яшириб нима қилдик, бундан бир неча йиллар бурун ҳам мақолнинг биринчи жумласи, позитив қисми амалда бўлган фаолиятда эдик. Камида ўртача 27-28 минг нуска адади бор газета том маънода тўқ бўлади-да. Тўқ бўлиш бу жамиятга тўлақонли хизмат қилиш маъносига ҳам тўғри бўлади. Бунда, шубҳасиз, шу муассислар кўл қовуштириб ўтирмаганлиги натижаси бор. Гап фақат адаллик эмас, муассисларнинг ижодий ва молиявий томондан ҳамкорлиги ҳам кўплар ҳавас қилгулик эди. Сал ноқулай бўлсаям айтишим, касб байрами кунлари уларнинг моддий ва маънавий қўлловлар билан кириб келишлари-ю, кўнғироқлари жуда ёқимли эди. Фаолият ҳам шунга мос эди, шубҳасиз. Газетамиз чиндан шу муассислар аҳлининг минбари эди.

Хуллас, «эди» барибир «эди»-да, ўтган замон. Бугун-чи? Бугун вазият бошқа, муаммо ҳамма нашр бошида, деярли кўпласида, адал камайиб кетди ва шу сабабдан иқтисодий тақчиллик. Боиси маълум. Бу ҳақда биз жар солмаган минбар ҳам қолмади. Аммо айнан бизга аламли томони бор. Бир пайтлар кўпгина нашрларга орзу бўлган биздаги ҳолат ҳаммаликдан ачинарли. Ахир атиги 1300-1400 нускада газета чиқариб, кимга фойда берамиз, нимага эришамиз? Нега шундай бўлди? Нега бу тақчиллик? Тақчилликда ҳаммадан ёмони «Қишлоқ ҳаёти»-да.

Бу ўринда нашр яхши бўлса, унинг аҳоли ҳам ўз-ўзидан яхши бўлади, деган газетани тушидаям кўрмаганларам уқтираётган чучмалгина фикрларим майли тан олайлик. Шу фикр билан тахририятни қойиб тургунингизча бошқа сабаблар ҳақида сўйлаб берамиз.

Деярли кўпгина нашрларни бундай вазиятда озгина бўлса муассислар моддий ва ташкилий (айтайлик, обуна ташкиллашда) қўллади. Аммо муассислар кўп ва хўблигига акс ҳолда бечора «Қишлоқ ҳаёти»нинг ҳолини сўрайдиган қолмади. Қаранг, «Чўпон кўп бўлса...» деб бошланувчи негатив мақол ҳам бизга тегишли бўлиб қоляпти. Ҳали номи зикр этилган номдор муассислардан баъзиларининг бош офисига айна дамада газетанинг ўзи бормайди. Газета маблағ сарфланадиган зарурият эмас, деган хулосага келиб бўлишган. Чунки ҳаммининг фикру хаёли моддий неъмат олиб келадиган вазиёларга қаратилган. Куйида эса, газетанинг қандай моддий неъмат олиб келиши айна бор ҳақиқатлиги бора-сида баҳслашаман...

Авалло, ҳали нашр яхши бўлса, нашр иши ҳам ўз-ўзидан

юришади, деган фикрни ўртага ташлагувчиларга озгина киноя қилиб ўтганимга изох берай. Яъни нашр ишининг моддий неъмат олиб келмайдиган фаолиятга чиқариб қўйилганлиги яхши нашрнинг ҳам қадрини ўлдирди. Нафсиларини айтганда, бугун яхши нашрлар бор, бор бўлгандаям анчагина. Газетада ўқийдиган нарсанинг ўзи йўқ, дегувчиларнинг ўзи газета ўқимаса, яхши нашрни қандай фарқлайди? Уларнинг ўзида ўқув учун ўқув йўқ. Бу биз келиб қолган ҳолат. Одамларимиз онгиди ўқишли деганда фақат танқид, танқид бўлгандаям раҳбарларни, раҳбар бўлгандаям каттароқ раҳбарларни танқид қилишни, олди-қочди, ёлғон-яшиққа тўла ёзғималарни тушуниш ҳукмрон бўлиб қолгани ачинарли. Бу «ўқимишли»ларнинг ўқишли дегани шу. Нега, маърифий, таҳлилий, меҳнат таърифи ёритилган, ижтимоий фойдали мақолалар ўқишли бўлмай қолди? Бугун «Қишлоқ ҳаёти» газетасида эълон қилинган агромақоладаги ўқиш хатто фермерга «не выгоды!» бўлиб қолди. Худди қарғача бошқа ҳудудга бориб келиш малол бўлиб қолганидек. Ана, масала қаергача чалкашган? Бугун давлат бюджетидан рақамлари калькулятор кўрсаткичига сиймайдиган даражада молиялаштирилган вазирлик ва идораларимиз ҳам ўз фаолиятда нашрнинг, хусусан, ўз муассислигидаги газетанинг нафақат маънавий-таърифи, балки иқтисодий фойдаси ҳам борлигини умуман ҳис этмайдилар. Ходимнинг, ишчи-хизматчининг маънавий оламини, саводини, савиясини ошириш бечора ишми? Шундай қуролланган, бординги, тарбияси рисоладагидек одам бошқароғига нисбатан ўз ишига маъсулятироқ бўлади-ку? Нимага коррупция ботқоқидан қасб кетиши қийин бўляпти ташкилотларнинг? Ҳар ҳолда, нашр ўқиб юрганлар ҳисобига эмас бу ҳолат. Бу – бир томони. Иккинчи томони, ҳар бир касб соҳибининг маҳорат мактаби, таъриба оммалаштирадиган, юқори ташкилотнинг қарашларини етказадиган қуроли газета эмасми? Нега электрон вариантдан фойдаланяпти, ҳамма интернетда, деган ваз билан ўзимизни алдаймиз? Яқинда энг оммабоп кишилар билан республикага танилган бир блогер дўстимизнинг тумандошидан ўша блогерни сўрасам, умуман танимади. Кейинроқ ўзига бу гапни эслатсам, «Менинг кўшим ҳам ижтимоий тармоқдаги фаолиятимни билмайди, бизда кам одам интернетга кириди, мени печкачи деб сўранг», деди. Демак, «Қишлоқ ҳаёти» сингари нашрларнинг қишлоқдаги муштарийлари ҳали интернетдан баҳраманд эмас. Газета энди ўқилмайди, деб юзгачоқарлик қилиш осон. Қани, бир синаб кўринг, газетани манзилга етказин-да, бир ҳафтадан сўнг бориб сўранг, ўқибдими, йўқми? Ўқийди, оилада ўн-гача одам яшайди, нега шундоқ столида турган нарсаси бем

## Соҳа мутасаддилари эътиборига!

этибор бўларкан? Мана, столимда «Узоқ умр кўриш сирлари» номли реклама газети. Мен бу газетани сотиб оларимдим? Йўқ, албатта. Уйимдан бирови обуна бўлай шу газетига, десаям, қўйсанг-чи, дердим. Унда нимага бу нашр қўлимда ва мен кўриб ўтирибман? Дарвозанинг тирқишига ўзлари тикиб кетишган. Тепла-текин, ўз оёғи билан келган. Қаранг, мен ўзим журналист бўлиб бундай нашрларни ёмон кўраман. Аммо уйимда пайдо бўлган, кўриб ўтирибман. Ҳеч бўлмаса танқидий назар қилишга қараб. Оиламизнинг бошқа аъзоларигаям нималаридир қизиқ бўлиб турибди. Ҳамма гап шунда. Одамларимизнинг қўлига газета етгунча бўлган сарф-харажат ва жараяндан қочяпти. Ҳа, шунга келганда иқтисодчилигимиз «асқатяпти». Ташкилот сметаларида бундай бандлар ортиқчалик қияпти. Шу йўл билан аста-секин аҳолини газета-журнал мутолаасидан узоқлаштирдик. Энди уларнинг онгига бу воситанинг харидори бўлишдан, унга обуна бўлишдан кўра бўлмаслик афзаллигини сингдириб қўйдик. Обуна қилишга қараб. Оиламизнинг бошқа аъзолари тобутда тасаввур қилишга чорловчи мақолалар) интернет ҳамма жойда оммалашди каби ярим ёлғон тарғиботлар... Энди одамларнинг шиори шу: газета ўзи нимага керак? Газета бу таъм билиб танлайдиган, тана билан ҳисланадиган мато эмаски, бу эҳтиёжни ҳаммининг ўзи англайверса.

Ҳўш, масала қандай ечимга эга? Эчим шунки, аҳолини қайси даражадаги фаоллик билан босма нашрдан бездирган бўлса, шунинг икки баравар даражасидаги фаоллик билан қайтарши керак.

Бунинг йўли бугун очилди. Мамлакатимиз Президентининг яқинда имзоланган «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш зарур. Афсуски, бу ҳужжат юзасидан 22 муассисдан ҳали биз томонга шомол туғул, елпигич елимаг эсгани йўқ. Албатта, тахририятнинг ўзидан нимага мурожаат бўлмапти, деган саволни биров бермасаям ўзимизга ўзимиз берамиз. Мурожаатларнинг бунгача бўлганиам кам эмас эди. Айнан шу қарор муносабати билан эса ушбуни мурожаат деб тушунилишини сўраймиз. Зотан, бу идораларнинг ҳар бири эшик оғалик ташкилотлар. Бунинг устига, қачон бу идоралар битта кўнғироқда раҳбарни улаб берган? Қачон идоранинг биринчи раҳбаридан бўлак биронта ҳодими бизнинг илтимоси ўз наздида шунча муҳим масалалар турганда энсақотар гап деб ҳисобламаган? Қачон ташаббус қилиб, масалани ҳал қиладиган раҳбарга ижобий ечимли таклиф олиб кирган?

Биз бу ўринда ҳалиги мақоланинг иккинчи қисминиям ёддан чиқармаймиз. Яъни «...бир муштан урса, ўлдирди» деган негатибиям бор. Агар бир чўқимдан бериш лозим топилмаса, бу жумладан келадиган хулосани бажариш керак. Бунинг қўнуларимизда бор ҳуқуқ, яъни газета фаолиятини тугатиш керак. Ахир, шунча гигант вазирлик ва идоралар таъсис этган, бурун 30-40 ходим ишлаган нашрда бир бош муҳаррир ва бир ўринбосар арзиманган маош эвазига номигагина (асосан обуначидан қарзини узиш мақсадида) ҳафтада тўрт саҳифали (илгари ҳафтада уч марта чиқарди) битта сон газета чиқариб ўтириши шу икки ижодий ходимнинг ҳам виждонини қийнайди.



«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2022 йил 4 август сонидан олинди.

**Фарғона вилояти**

**Оролбўйидан келган 300 нафар ўғил-қиз 12 кун давомида Қўқон шаҳридаги «Коинот» оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқариб, бир олам таассуротлар билан Қорақалпоғистонга қайтдилар.**

## «КОИНОТ»ДА УНУТИЛМАС 12 КУН

Улар сўлим гўшада салкам икки ҳафта мобайнида саломатликларини мустаҳкамлаб, мазмунли ҳордиқ чиқардилар. Тўғараклар орқали билимларини оширдилар. Қўқон шаҳри бўйлаб ташкил этилган саёхатлар уларга олам-олам завқ бағишлади. Бир-бирдан қизиқ танловлар, мусобақалар, таниқли шахслар билан учрашувлар, янги дўстлар, табиат қўйнига саёхатлар, кўнғилоҳар ўйинлар... Хуллас, оромгоҳдаги ҳар бир кун қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар учун унутилмас таассуротларга бой бўлди.

– Тўғриси кунлар қандай ўтиб кетганини билмай қолдим, – дейди Жансая Кутлимуратова. – Менга бу ернинг гўзал табиати, тоза ҳавоси, одамларнинг самимийлиги ёқди. Айниқса, кўпласи дўстлар орттирганимдан хурсандман.

– «Коинот»дан бир олам таассуротлар билан қайтдиман, – дейди Шаҳзод Каримбоев. – Тарбиячилар яқин инсонларини олиб қолди. Улардан кўп нарса ўргандим.

– Бу ерда умуман зерикамадик. Ҳар бир кунимиз жуда мароқли ўтди, – дейди Умида Закаева. – Оромгоҳдан эсда қоларли хотиралар билан қайтдимиз. Бизга мана шундай шароитларни яратиб берган, иззат-икром кўрсатиб, меҳр улашган Ўзбекистон касаба уюшмаларига қорақалпоғистонлик болалар номидан миннатдорлик билдираман.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**  
«ISHONCH»

## «KAPITAL SUG'URTA»

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома

2022 йил 26 август куни соат 10:00 дан бошлаб, «KAPITAL SUG'URTA» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда, «электрон овоз бериш eVOTE» платформаси орқали электрон рўйхатга олиш ва овоз бериш йўли билан ўтказилади.

**Жамият жойлашган манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Махатма Ганди кўчаси, 44-уй.

**Умумий йиғилиш кун тартиби:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. «KAPITAL SUG'URTA» АЖ Устав капитални қўшимча акциялар чиқариш орқали ошириш тўғрисида;
3. «KAPITAL SUG'URTA» АЖ қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига ваколат бериш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини тузиш санаси: 2022 йил 22 август.

**Рўйхатдан ўтиш вақти:** 2022 йил 26 август соат 9:30 дан 10:00 гача.

**Овоз бериш:** 2022 йил 26 август соат 10:00 дан 10:30 гача.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Махатма Ганди кўчаси, 44-уй манзили бўйича жойлашган маъмурият. **Электрон почта:** office@kapitalsugurta.uz. **Тел.:** (71) 237-31-62, (71) 237-50-09 (ички рақам115).

**Жамият Кузатув кенгаши**

Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2020 йил 13 июлда № 871284 рақами билан рўйхатдан ўтган Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Қизғалдоқ» ҚФЙ, Зебинисо кўчасида жойлашган «ВАХТИ ОИЛА» хусусий корхонаси таъсиссининг 2022 йил 2 августдаги қарорига асосан тугатилди.

**Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб +99899 869-56-19 телефон рақами орқали қабул қилинади.**

Тошкент юридик коллежи томонидан 2014 йилда Ахмадхўжаев Ботирхўжа Акбар ўғли номига берилган К № 3405867 (рўйхат рақами 13) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган «M-TYRE DISTRIBUTION» МЧЖ (СТПР: 306173191) ўз Низоми шартнамасининг 13 478 840 500 сўмдан 6 478 840 500 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

**Маълумотлар учун телефон: +998(78) 200-55-00.**

«GROSS суғурта компанияси» АЖга қарашли (ИНН 207 135 501) бланк тури бўйича қуйидаги йўқолган суғурта полислари бланкларини: А4 форматли, GSS серияли ва рақами: 247519,247528. 2 дона А4 форматли, GIT серияли ва рақами: 278691. 1 дона А4 форматли, GIR серияли ва рақами: 14822. 1 дона А5 форматли, GIU серияли ва рақами: 153418, 188097. 2 дона ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

## Расмий муносабат

### Камчиликларни бартараф этиш ишлари давом этаётганини маълум қиламиз

Давлат экология кўмитаси «Ishonch» газетасининг 2022 йил 2 августдаги 94-сонидан чоп этилган «Эл дардига айланган гард» сарлавҳали мақола юзасидан қўйидагиларни маълум қилади.

Авалло шунга айтиш керакки, Ўзбекистон тумани Шўрсув шаҳарчаси ҳудудидаги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фаолияти юзасидан Давлат экология кўмитасининг мутахассислари томонидан доимий равишда ўрганишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўрганишлар давомида кўмитанинг мобил экологик лабораторияси жалб қилиниб, ҳаводан намуналар олинган ва таҳлил амалга оширилган. Таҳлил натижаларига кўра, ҳавони ифлослантирувчи моддалар 4 та нуқтада 1,5 дан 23,6 мартага ва 2 та нуқтада 3,2 дан 4,6 мартага белгиланган меъёрлардан ортиқлиги аниқланган.

Ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган чанг ва газларни камайтириш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида 12 та корхонада, жумладан, «Tsement Xom Ashyo Savdosi» МЧЖ, «Yaurn Qurilish Bunyodkor» МЧЖ, «Sho'rsuv Baraka Gips» МЧЖ, «Vodiy Gips» МЧЖ, «OLMOS GIPS» МЧЖ, «EBPO ГЛОБАЛ ГИПС» ХК, «IMKON GIPS» ХК, «FAYZ GIPS» ХК, «Gold Gips Card» МЧЖ, «Gips Group National» МЧЖ, «Стар Генуис» МЧЖ ҳамда «Чўян Юлинг» ХКларида текширишлар амалга оширилди.

Текширув давомида «OLMOS GIPS» МЧЖ, «IMKON GIPS» ХК, «FAYZ GIPS» ХК томонидан гипс ишлаб чиқариш цехи учун чанг-газ ушлаш қурилмаси ўрнатилмагани, давлат экологик экспертиза хулосаси олинмагани, «Evro Global Gips» ХК, «Gold Gips Card» МЧЖ томонидан ўрнатилган чанг-газ ушлаш қурилмалари талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Текширишлар натижасида атмосфера ҳавосига ташланган гипс чанги ва атроф-муҳитга чиқарилган гипс тош қиқиндилар учун қўшимча компенсация суммалари ҳисобланиб, ваколат доирасида 5 та – «OLMOS GIPS» МЧЖ, «EBPO ГЛОБАЛ ГИПС» ХК, «IMKON GIPS» ХК, «FAYZ GIPS» ХК ва «Gips Group National» МЧЖлар фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, табиати муҳофаза қилишга оид қўнуқчилик талаблари бажарилиши бўйича мажбурий кўрсатмалар берилди.

Белгиланган муддатда экологик талаблар бажарилмагани сабабли корхоналар фаолиятини тўхтатиш учун Иқтисодий ишлар бўйича Ўзбекистон туманлараро судига ҳужжатлар тақдим этилган.

Давомий равишда 4 та гипс ва 2 та цемент ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятида табиати муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини ўрганиш юзасидан текшириш ўтказилиши бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон туманидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини табиати муҳофаза қилиш қўнуқчилиги талаблари асосида йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарини экологик талаблар асосида модернизациялаш Дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарида юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди, шунингдек, Шўрсув шаҳарчасидаги саноат корхоналарини ўз ичига олган замонавий технологиялар билан жиҳозланган, атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатувчи «яшил технологиялар»ни қўлланган ҳолда кластер усулида «кичик саноат зонаси» ташкил этилди.

Мақоладаги «Бизга ҳамроҳ бўлган Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари корхоналар хусусий бўлгани учун уларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш ҳудудига кириш учун ҳеч кимга рухсат беришмаётганини айтишди. Балки улар журналистларни корхонага етаклаб боришни истамагани сабабли шундай дейишгандир» деган фикрларга жавобан шунга маълум қиламизки, Давлат экология кўмитаси ҳар доим ўз ваколати доирасида очиқлик тарафдори бўлиб келмоқда. Амалдаги қоидаларга кўра, тадбиркорлик субъектларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бизнес-омбудсман руҳига асосан текширувлар амалга оширилади. Ана шу тартиб-қоидалар бевоқолат ОАВ вакиллари учун ҳам тегишли бўлиб, бу ўринда экологлардан журналистнинг хафа бўлиши, назаримизда, ўринсиз.

Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида табиати муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ишлар давом этаётганини маълум қиламиз.

**Давлат экология кўмитаси матбуот хизмати**



# Хатларда ҳаёт акси

**Ҳаёт.** Биргина шу сўз замирида не-не тақдирлар, бахтиёрлик туйғуси-ю, эзгуликлар, турфа синовлар, аччиқ қисматлар мужассам. Кимдир кимдандир яхшилик кўради, суюнади, кимдир жамиятдаги баъзи камчиликлардан оғринади, уларга ечим излайди. Шундай пайтда қувончини ўзгалар билан баҳам кўришга, дилидаги оғриққа эса мутасаддилар эътиборини тортишга интилади. Кимдир айни мақсадда қўлига қалам олади. Таҳририятга газетхонлардан келаётган турфа хатлар ҳам ана шундай туйғулар маҳсулидир. Куйида уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳа-вола қиламиз.



## Фарғона вилояти


### «ЧИМЁН» ДАН САЛОМ!



Қадри «Ishonch» газетаси жамоаси! Айни пайтда «Чимён» санаторийсидан салом ўйляяпман.  
...Кувонганимдан, бахтиёрлигимдан қўлимга қалам олиб, миннатдорлик мактуби битмоқдаман.

Мен ҳозир Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан берилган бепул ўйланма асосида Фарғона вилоятининг мафтункор зўшасида жойлашган «Чимён» санаторийсидан дам олиб, саломатлигимни тикляпман.  
21 йилдан буён Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги 14-мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бераман. Меҳнат қилган инсон кам бўлмас экан. Шу касб орқасидан қадр топдим.  
Камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, шундай чиройли масканда бепул даволаниш имконига эга бўлдим. Бундай эъзоз ўқитувчига яна куч-ғайрат берар экан. Бу ерда ширинсухан ходимлар кутиб олишди. Озода ва шинам хоналарга жойлаштиришди. Эрта-ю кеч олдимизда парвона. Яратилган шароитлар аъло даражада. Муолажаларни олиб, кундан-кунга тетик бўлиб боряпман.  
Бу ерда мендан ташқари яна бир гуруҳ ҳамкасбларим ҳам ҳардиқ чиқаришмоқда. Ҳаммининг кайфияти кўтаринки. Қайси бири билан суҳбатлашмай, дориламон замонда фаровон яшаётганимиз, инсон қадри улуғланаётганини айтмоқда.

Очиги, 21 йиллик фаолиятим давомида дам олиш, даволаниш учун вақт ва имкон топишим қийин бўлган. Бугунги кунда ўқитувчиларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани уйбу касбнинг жамиятдаги обрўси ва нуфузини оширишга, уларнинг меҳнати ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани бизни янада яхшироқ ишлашга руҳлантirmoқда.  
Биз педагог-ўқитувчиларга кўрсатилган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун, аввало, мухтарам Президентимизга, Ўзбекистон қасаба уюшмаларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.  
Дилноза ЗУННУНОВА,  
Бешариқ туманидаги 14-умумтаълим мактаби математика фани ўқитувчиси



## УЙЛИ БЎЛДИМ – УЙИМ КЕТДИ!

### Сурхондарё вилояти

Шербод туманидаги «Ёшлик» маҳалласида оддийгина қулбада қайнота ва қайнонам, икки нафар қайинукан ва уларнинг 5 нафар фарзанди билан аҳил-инок яшаб келдик. Икки йил бурун турмуш ўртоғим Жамшид Сафоев тўсатдан вафот этди. Оғир аҳволда қолдим. Бошим қотди. 3 нафар фарзандим – Азиза, Жавоҳир ва Асилбек отасини кўмсаб, соғиниб сўраганларида, аламимни кўз ёшимдан олар эдим. Аҳволим ўзимга аён. Овсинларимнинг болаларини оталари эркалаганларида, юрак-бағрим эзилиб кетарди. Тўғри, улар мени ва фарзандларимни ёлғизлаштиб қўйишгани йўқ, Бор меҳр-муруватларини аямасди.  
Очиги, уйсиз ва ишсизман, деб эзилардим. Катта оила бўлганимиз учун оғир шароитда яшар эдик. Турмуш қийинчиликлари, йўқчилик тинкамни қуритганди.  
Ёлғиз она учун бу жуда оғир. Шундай кунларнинг бирида уйга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов билан бирга туманимиздан бир неча мутасаддилар кириб келиб, ҳол-

аҳвол сўрашди. Сўнгра, фарзандларимга кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишганини айтишди. Яхшиларнинг муруватидан бошим кўкка етди. Дардимизни тинглашди, мени «Аёллар дафтари»га киритишди. Оилам ва фарзандларимга кўмак бериб келишди.  
Жорий йилнинг бошида мен каби аёлларга бахт келтираётган «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичига ҳам рўйхатга олишди. Яқинда ишчи гуруҳ мени қўйиб келаётган муаммони ҳал этди. Яъни, туман марказидаги «Тароқли» маҳалласидан уй-жой билан тавминлади.  
Янги уйли бўлишимнинг гашии ўзгача экан. Энди фарзандларимнинг боғча ва мактабга қатнашида ҳам муаммо бўлмайди. Чунки ҳар иккиси ҳам янги уйимизга бир қадам.  
Бугун бениҳоя бахтиёрман. «Ishonch» газетаси орқали оиламизга нур олиб кирган, уйли қилган ва уйбу хонадонимни фойза тўлдирган, қувонч кўз ёшларимга сабабчи бўлган барча-барча яхши инсон-



Дилором АЛИҚУЛОВА  
Шербод тумани



### Самарқанд вилояти

Менинг фикримча, шаънига ижобий фикрлар кам айтилган касблардан бири бу – қассобчилик. Аслида, бу соҳага тўғридан-тўғри кириб келинмайди. Наслида бўлса ёки қандайдир туғма ҳиссиётлар устувор бўлган кишиларгина қассоб бўла олади. Халқимиз бежиз



## ҚАССОБЛАР УЮШМАСИ КЕРАК...(МИ?)

«Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деймайди. Ута тозалик, озодаллик асосланган, лўкма ҳалоллиги, увол-сабовини раҳматданга олишнинг ҳам масъулияти бор.  
Яна бир масъулияти иш зўштини расамади билан тақсимлай билмаслик. Шу энг мураккаб иш туфайли номимиз ёмонга чиққан. Харидор норозилигига сабаб бўладиган тақсимотда доимо тучи-шунмовчилик бор. Энг ачинарлиси, бу касб соҳибларининг бир қисми балои нафс йўлида одамлар ишончидан мосуво бўлишмоқда. Хуллас, соҳа сир-асрорларини очаверсак, гап кўп. Аммо мулоҳаза бу ҳақда эмас.  
Турмушимизнинг муайян қисмида муҳим ўрин тутувчи бу касб соҳиблари анча эътибордан четда. Қассобларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этадиган бирор-бир уюшма йўқ. Тўғриси, фаолиятини назорат қиладиган, тартибга соладиган ташкилотлар анчагина бўлса-да, уларнинг

манфаати мутлақ эсдан чиқиб қолмоқда. Касб сифатида ёлғизлини қолган соҳа. Аслини олганда, қассоб ҳам одам, унинг ҳам дарди, ташвишлари бор. Жамоа сифатида шаклланишни истайди. Менимча, мутасаддилар томонидан қассоблар уюшмаси ёки жамияти тuzилиши ҳақида ўйлаб кўриш, мақсадда мувофиқ бўларди.  
Бу ўй мени кўндан бери қўйиб келарди. Ўйлаб-ўйлаб, мақсадимни қозғаша тўкиб, халқимизнинг севимли нашири бўлган «Ishonch» газетасига юборишга қарор қилдим. Газетада чоп этилса, тегишли ташкилотлар масъулари бу ҳақда ўйлаб кўришармиди?..

Сўлаймон ХОЛИҚОВ  
Пастдарғом тумани

### Жиззах вилояти

## ЭШИК ҚОҚҚАН КИМ БЎЛДИ?

Тонгда эшик қўнғирғидан барчамизнинг уйқумиз қочди. Сотага қарадим: 03:27. Бу маҳалда безовта қилган ким экан? Дадам хонасидан чиқиб овоз берди:  
– Ким?  
– Эшикни очинг. Учасатка нозириман.  
Шу онда хаёлларимиз қайси кўчаларга кириб чиқмади, дейсиз. Ахир ички ишлар ходими бекорга эшик қоқиб келмаса керак?  
Ташқарида маҳалла профилактика инспектори Шохруҳ Раббимов бир неча нафар ички ишлар ходимлари билан бирга турарди. Дадамнинг ҳайронлигини сезган профилактика инспектори гапирга кетди:  
– Ака, машинангизни очиб қолдирибсиз. Қараб кўринг-чи, ҳужжатларингиз жойида эканми? Бирон нарса йўқолмабдими?  
Кўп қаватли тураржойда яшайдиганлар махсус автотураргоҳлар бўлмагани боис автомашиналарини кириш йўлақлари олдига қолдиради. Шу кунгача автоулов билан боғлиқ бирон ноҳуш воқеа рўй берганини эшитмаганмиз.  
Кеча юкхонадан нарсаларни олган дадамнинг машинани қулфлаш эсидан кўтарилган экан. Йўлакка тушиб, апил-тапил машина ва ҳужжатларни текширдим. Ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилган:

– Доим машинам қулфланганига ишонч ҳосил қилиш учун икки-уч бора текшириб, кўнглини тўқлаб, уйга кирардим. Бу сафар нима жин урди? Ҳа, майли. Сизларни овоза қилган бўлсам, узр, – деди хижолатомуз.  
Гап шундаки, уша вақтда Жиззах шаҳридаги «Сайилжойи» маҳалла фуқаролар йиғинида профилактика инспектори Шохруҳ Раббимов ва Жиззах вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги ва патруль-пост хизмати бўлинмаси ходимлари биргалликда ҳудудда назорат тадбирларини олиб боришга кетган экан. Улар машина ёнидан бепарво ўтиб кетолмай, бизни «безовта» қилишга мажбур бўлишган.  
Шу воқеадан сўнг хизматига содиқ бўлиб, зиммасидаги вазифани астойдил бажарётган посбонларимизга ҳурматим янада ошди. Улар бор экан, тунимиз осуда, бемалол уйқуга кетамиз, уйғонганимизда тинчлик насимидан баҳра оламиз.  
Қадри «Ishonch» газетаси жамоаси. Шарафли ва машаққатли касб эгалари бўлган ватан посбонларининг бу каби эззу ишлари газетангизда чоп этилишини жуда-жуда истайман. Зеро, эл тинчлиги йўлида хизмат қиладиган фидойи касб эгалари ҳамisha эътирофга лойиқдир.

Мадаминбек ЎРОҚБОЕВ  
Жиззах шаҳри



**ТАҲРИРИЯТДАН**  
Азиз муштарийлар! Газета бу – минбар. Сиз ўзингизни таъсирлантирган эзгу ишларни кўпчилик билан баҳам кўришмоқчимиз, шу билан бирга, бугунги ислохотларга тўсиқ бўлаётган баъзи муаммоларга ечим ахтаряписизми, ҳеч иккиланмай газетамизга юборишингиз мумкин. Таҳририят газета саҳифаларидан уларга жой ажратишга ҳамisha тайёр!

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
ISSN 2010-8009  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:  
Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Кулмурот СОБИРОВ,  
Суҳроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)  
**Бош муҳаррир**  
Ҳусан ЭРМАТОВ  
**Бўлимлар:**  
Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлас – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.  
**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.**  
**Масъул муҳаррир:**  
А. Хайдаров  
**Навбатчи муҳаррир:**  
У. Худойберганова  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов  
Босишга топшириш вақти – **22:20**  
Топширилди – **22:30**  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Буюртма **Г-806**  
**31641** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**  
1 2 3 4 5 6  
**Баҳоси келишилган нарҳда**  
**Манзилими:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бўхоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «ipoteka bank» Яшнобода филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130